



13- сонли ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМА

«05» январь 2022 йил

Ғаллаорол тумани

"ZARXAL QUM" масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда "Сотувчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи жамият раҳбари Х.Атаев бир томондан ва "ЖИЗЗАХ СУВ ТАЪМИНОТИ" МЧЖ (бундан буён матнда "Харидор" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари З.Мамарасулов иккинчи томондан, ўзаро биргаликда (бундан буён матнда «Томонлар») келишган ҳолда ушбу шартномани туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган Иловага мувофик "Сотувчи", "Харидор"нинг буюртмасига асосан майдаланган чакик тош (щепень) ва чакик тош куми (клинец) ҳамда шағал маҳсулотлари билан (кейинги ўринларда Маҳсулот деб юритилади) таъминлаб бериш, "Харидор" эса маҳсулот учун тўловни ва қабул қилиш мажбуриятини олади.
- 1.2. Таъминлаб бериладиган маҳсулотнинг турлари, миқдори ва баҳоси Иловада аниқ кўрсатиб ўтилади.

II. МАҲСУЛОТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ва ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ.

- 2.1. Мазкур шартноманинг 1.1 ва 1.2 бандларига мувофик тайёр ҳолга келтирилган маҳсулотни олиб чиқиб кетиш миқдори ва муддатлари томонларнинг келишувига асосан белгиланади.
- 2.2. "Харидор" шартномани имзолаган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида аниқ маҳсулот турини, миқдорини белгиланган ҳолда, шунингдек, кейинги календар ойларида олиниш мўлжалланган навбатдаги маҳсулотларни олиш учун олдиндан ёзма равишда буюртма бериши шарт.
- 2.3. "Сотувчи" кунлик тайёр бўлган маҳсулотни олиб кетиш юзасидан "Харидор"га телефон орқали (оғзаки) хабар беради. "Харидор" маҳсулотни олиб чиқиб кетишга тайёрлиги тўғрисида билдиришнома олган кундан маҳсулотни олиб чиқиб кетишни ўз зиммасига олади.
- 2.4. Тайёр ишлаб чиқарилган маҳсулотни олиб чиқиб кетиш шартлари ва манзили: Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Авлиё кишлоғидаги тош майдалаш цехидан ўзининг авторанспорт воситасида олиб чиқиб кетади. Тайёр ишлаб чиқарилган маҳсулотни автотранспорт воситаларига юклаб бериш "Сотувчи" томонидан амалга оширилади.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ва ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

- 3.1. Шартноманинг дастлабки умумий баҳоси (КҚС билан бирга ҳисобланганда) 500 000 000 (беш юз миллион) сўмни ташкил қилади.
- 3.2. "Сотувчи" Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорларига асосан ишлаб чиқариш харажатлари (солиқлар, энергия манбалари, ЕММ нархлари ва бошқалар) ўзгарганда, шунингдек, бозор конъюктурасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот нархини ўзгартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.
- 3.3. Сотиб олинган маҳсулот бўйича ҳисоб-китоблар "Сотувчи"нинг банкдаги ҳисоб рақамига пул маблағи ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
- 3.4. Мазкур шартнома юридик кучга эга бўлгандан сўнг "Харидор" маҳсулотни сотиб олишда шартноманинг умумий баҳосининг 15 фоиз олдиндан бунақ (аванс) тўловини ёки 100 фоиз миқдоридан 10 (ўн) банк иш куни ичида тўлаб бериши шарт. Агарда "Харидор" сотиб олинган маҳсулотнинг шартномавий қийматини 100 фоиз олдиндан тўлаб берган бўлса "Сотувчи" маҳсулот нархини ўзгартиришга ҳақли эмас.

IV. МАҲСУЛОТНИ ТОПШИРИШ

- 4.1. Маҳсулотни топшириш ушбу шартноманинг 2.4 бандда кўрсатиб ўтилган манзил бўйича амалга оширилади.
- 4.2. Миқдор ва сифат жиҳатидан маҳсулотни қабул қилиш "Харидор"га тақдим этилган қуйидаги ҳужжатлар билан амалга оширилади:
 - а) Маҳсулот тури ва миқдори тегишли юк хатида белгилаб қўйилади.
 - б) Сифат бўйича ЎЗР ДСТ маркази томонидан тақдим қилинган Мувофиқлик сертификати.

V. СИФАТ ва ЭЪТИРОЗЛАР

- 5.1. Маҳсулотни сифати тўғрисида эътирозлар маҳсулот қабул қилинган санадан бошлаб 10 кун муддат ичида кечиктирмасдан стандартлаштириш ва сертификатлаштириш бўйича эксперт хулосаси билан бирга тақдим этилиши шарт.
- 5.2. "Сотувчи" томонидан маҳсулотни яроқсизлиги тан олинган ҳолларда, ушбу яроқсиз маҳсулотни алмаштириб бериш муддатини ўзаро икки томон розилиги билан амалга оширилади ва қўшимча равишда келишиб олинади.
- 5.3. Маҳсулотни сифати бўйича ҳар қандай эътирозлар мавжуд бўлганда икки томон ўзаро келишилган ҳолда далолатнома расмийлаштирилиши лозим.
- 5.4. "Сотувчи" ва "Харидор" ўртасида келиб чиқатган ҳар қандай эътирозларни музокаралар йўли билан ҳал этишда барча чораларини кўриши шарт.

VI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ.

- 6.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва томонлар мажбуриятларини тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.
- 6.2. Мазкур шартноманинг шартларига қўра "Сотувчи" ўз мажбуриятларини шартноманинг 3.4. бандига асосан шартноманинг қиймати бўйича олдиндан тўловни амалга оширилган кундан бошлаб кучга киради.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ВА ЖАРИМА (ПЕНЯ) ЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

- 7.1. Ушбу шартнома юзасидан ёки у билан боғлиқ бўлган ҳар қандай низоли масалалар келиб чиққан тақдирда икки томон музокара йўли билан ҳал этади.
- 7.2. Томонлар ўртасида келиб чиққан низоларни ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонун ҳужжатларига асосан Жиззах туманлараро Иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.
- 7.3. Ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларни бажариш даврида томонлар ўртасида юзага келаётган низоли масалалар бўйича судгача ёзма равишда талабнома юбориши шарт ва томонлар учун мажбурийдир. Ёзма талабнома келиб тушган кундан бошлаб 15 иш куни ичида кўриб чиқиши шарт.
- 7.4. Агар томонлар форс-мажор ҳолатлардан ташқари бирон-бир сабабга кўра шартнома шартларини бажармаган бўлсалар, унда айбдор томон зарар кўрган томонга ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоиз миқдорда аммо шартнома тўлиқ қийматининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда, шартнома мажбуриятларидан озод этмаган ҳолда жарима тўлайди.
- 7.5. Шартномада кўзда тутилмаган бошқа барча масалаларни Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, ФК ва ИПК кодексларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан томонлар келишиб олади.

VIII. ШАРТНОМА ШАРТЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ.

- 8.1. Шартномага ёзма равишда тузилган ва томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган ҳолда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш мумкин. Шартноманинг 9.2-бандига мувофиқ киритилган ўзгартиришлар бундан мустасно.
- 8.2. "Харидор" томонидан шартноманинг 3.4-бандида назарда тутилган олдиндан тўлаш муддати бузилган ҳолларда, "Сотувчи" мақсулот нарҳини ва шартноманинг умумий қийматини қайта кўриб чиқишга ҳақлидир.

IX. ФОРС-МАЖОР.

- 9.1. Шартнома бўйича томонлар ўз мажбуриятларини бажариш даврида энгиб бўлмас кучлар таъсири ҳолатларида (форс-мажор) ўз мажбуриятларидан қисман ёки тўлиқ озод қилинади. Ушбу келишувга кўра энгиб бўлмас кучлар таъсири ҳолатлари фавкулотда, муқаррар ва қутилмаган (форс-мажор) шароитларда, табиий ҳодисалар (зилзила, кўчкилар, бўронлар, қурғоқчиликлар ва ҳоказолар) натижасида юзага келган ёки ижтимоий-иқтисодий жараёнлар (уруш ҳолати, блокада, эпидемия, жамоат манфаатлари учун олиб кириш ҳамда экспорт қилиш учун тақиқлар ва ҳоказо) томонларнинг хоҳиш-иродаси ва ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар ҳисобланади.
- 9.2. Мажбуриятларини бажариш имконсизлиги юзага келган томон, юқоридаги ҳолатлар бошланган даврдан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кўп бўлмаган муддатда бошқа томонни форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги, уларнинг амал қилишининг қутилаётган даври ва уларнинг бекор қилиниши тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилиши лозим. Форс-мажор ҳолатлари ҳақиқийлиги Ўзбекистон Республикаси ваколатли органлари томонидан тасдиқланиши шарт.
- 9.3. Фавкулотда вазиятлар тўғрисида хабар берилмаган ёки ўз вақтида огоҳлантирмаган тақдирда, бундай ҳолатлар тўғрисида хабарнома пайдо бўлган томон юқоридаги ҳолатларнинг бирортасини мажбуриятлар асосида бажармаслик учун жавобгарликдан озод бўлишга ҳақли эмас.
- 9.4. Томонлар энгиб бўлмас ҳолатлар муддати якунланганидан кейин шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини бажариши шарт.

X. БОШҚА ШАРТЛАР.

- 10.1. Шартнома ўзбек тилида бир хил юридик кучга эга 2 (икки) нусхада тузилди ва иккала томонда 1 (бир) нусхадан сақланади. Шартнома 2022 йил 31 декабргача амал қилади.
- 10.2. Ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар икки томонлама келишув асосида ёзма равишда амалга оширилади.
- 10.3. Тарафлар ўзларининг Юридик манзиллари ёки банк реквизитларининг ўзгарган тақдирда 3 (уч) иш кун ичида ёзма равишда иккинчи томонга хабардор қилиш мажбуриятини олади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ

СОТУВЧИ:	ХАРИДОР:
"ZARXAL QUM" МЧЖ	"ЖИЗЗАХ СУВ ТАЪМИНОТИ" МЧЖ
Манзил: Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Сарбозор кўчаси, 2-292-уй	Манзил: Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 115-уй
Тел: (99) 550-55-77	тел/факс:
Х/р: 2020 8000 8050 6256 4001	х/р: 22260 4000 5003 0453 3013
Банк: ТИФ «Миллий банк» Жиззах филиали	Банк: АТ «Турон банк» Жиззах филиали
МФО: 00121	МФО: 00982
СТИР: 306352468	СТИР: 200345016
ОКЭД: 08120	ОКЭД:
ККС тўловчи худ. код: 308030041260	ККС тўловчи худ. код:
Раҳбар:  X.Атаев	Раҳбар:  З.Мамарасулов